

**Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдурахмоновнинг
2015 йил 8 март - Хотин-қизлар байрами муносабати билан
ўтказиладиган тантанали маросимдаги табрик
СЎЗИ**

**Ассалому алайкум, қадрли онахонлар, мунис ва
меҳрибон опа-сингиллар!**

Анжуманимизнинг ҳурматли меҳмонлари!

Замин узра кўклам нафаси уфурмоқда. Ҳар баҳорда такрорланадиган хотин-қизлар байрами йил сайин кўтаринкилик билан, умуминсоний қадриятларнинг олий талабларига мос равишда ўтказилаётгани Мустақиллигимизнинг шарофатидандир.

Юртимизда хотин-қизларни ҳимоялашнинг ҳали бошқа ҳеч бир давлатда жорий этилмаган тизимлари яратилгани ва умумхалқ, умумдавлат ҳаракатига айланганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Муҳтарам Президентимиз “Ҳар қайси жамиятнинг маданият даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади”, - деб таъкидлаганидек, истиқлол йилларида хотин-қизларнинг турмуш сифатини яхшилаш, ҳуқуқ ва бурчларини, манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Натижада аёлларимиз жамиятнинг, юртимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиларига айландилар.

Навбаҳор айёмига ҳамоҳанг равишда кўнгилларга ажиб бир илиқлик, ўзгача бир тароват олиб кирган ушбу нафосат байрамида туриб, дилларимизда тўлиб-тошган тилакларни айтишга шошиламыз.

Бу байрам табаррук бувижонларимиз, мунис оналаримиз, севимли опа-сингилларимиз, меҳнаткаш ва вафодор умр йўлдошларимиз, дилбар қизларимизга бўлган меҳру муҳаббатимизни изхор этиш учун яна бир баҳонадир.

Донолар айтганидек, аёлнинг меҳру муҳаббатида ҳамиша бебаҳо нимадир яширин бўлади. Аёл меҳрининг баҳоси дунёдаги энг қимматбаҳо хилқатларнинг баҳосидан

ҳам юқорироқдир. Аёлда дўстга хос фидойилик, она меҳри ва жасорати мужассамлашгандир. Мана шундай фазилатлар эгаси бўлган ҳар бирингизга байрам муборак бўлсин!

Қадрли аёллар, опа-сингиллар!

Аёллар шарафига Тоғмаҳаллар қурилган. Шоирларга энг гўзал сатрлар илҳомини берган, шоҳларга улкан шаҳарларни обод этиш ғайратини бахш этган аёл зоти ҳар куни улуғланишга лойиқ!

Дарҳақиқат, аёлга нима керак? Аёлга бахт, меҳр ва муҳаббат керак! Аёлга оиласи, қўрғони, қалби тинч, юрти ва фарзанди омон, бошида турган бошпаноҳи-турмуш ўртоғи соғ бўлса ўзида яшашга, курашга ҳамиша куч топа олади.

Азизлар!

Буюк аجدодларимиз эътироф этганларидек, ҳаётимизга мазмун бағишлайдиган, бизни ҳамиша одамийлик, мардлик, олийжаноблик сари чорлайдиган, сабр-тоқат, садоқат соҳибаси бўлмиш аёлнинг меҳр-муҳаббати ва заҳматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Бу кўҳна тарих Тўмарис, Нодирабегим, Гулбаданбегим, Нозимахоним, Увайсий, Саида Зуннунова, Зулфиядек буюк аجدодларимизнинг миллатимиз шаъни, ор-номусини сақлаш йўлидаги жасоратларига гувоҳдир.

Улуғ момоларимизга хос бўлган олийжаноб фазилатлар замонимиз аёллари сиймосида ҳам давом этаётганидан қалбимиз ғурурга тўлади.

Бугунги ўзбек аёли тимсолида нафақат она, балки жамиятимиз қувончу ташвишларига теппа-тенг шерик бўлган меҳнаткаш, ҳар бир ишда эркакларга кўмакдош, ҳиммат ва эътибори билан ижтимоий турмушимиз устун, зукко ва билимдонлиги билан дунёни лол қолдираётган, маънавий салоҳияти жиҳатидан бошқаларга ибрат бўлаётган инсонлар кўз олдимизда намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбари ҳар гал вилоятимизга ташриф буюрганида албатта ислоҳотлар равнақига муносиб улуш қўшаётган хотин-қизлар вакиллари билан учрашиб,

самимий ва дилдан суҳбатлашади. «Аёлларни севиш, эъзозлаш, қадрини баланд тутиш керак» деган ажойиб ҳикматли сўзларини, айнан Андижон фаоллари билан учрашувда айтганлигининг ҳам рамзий маъноси бор.

Азизлар!

Жаннатмакон Андижонимиз шон-шарафини тобора юксалтиришда жонкуярлик қилаётган, ўзларини ҳалол ва самарали меҳнатлари билан эътирофга сазовор бўлаётган хотин-қизлар сони йил сайин ошиб бораётгани бизни қувонтирмоқда.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида бир гуруҳ фидойи кишилар қатори, фаол аёлларимиздан 17 нафари Ҳукуматимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирландилар.

Андижонимизда тадбиркорлик ҳаракатини олиб бораётган икки минг нафардан зиёд хотин-қизлар орасида вилоят иқтисодиётига қўшган ҳиссаси, халқимиз турмуш фаровонлиги йўлидаги ҳиммати билан ном таратган опсингилларимизни алоҳида эътироф этамиз. Келажакда ҳам давлат ва маҳаллий дастурларда белгиланган имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, ташаббускорликни қўлдан бермайсиз деган умиддамиз.

Биз хотин-қизларимизни нафақат меҳнатдаги, балки, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, айниқса сиёсий фаолиятдаги иштироклари кучайиб бораётганлигидан мамнунмиз.

Аёлларимиз давлат тизими ва жамиятнинг бошқарув ҳаётига дадиллик, шиддат билан биргаликда нафислик ила кириб келмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган сайловларда хотин-қизларимиздан 1 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, 129 нафари вилоят, шаҳар туман кенгашларига депутат этиб сайландилар, бу ўтган йилларга нисбатан 17 нафарга кўпайгани ва аёлларимизнинг фаоллиги ошиб, жамиятимизни идора қилишдаги сайъ-ҳаракатлари кучайганлигидан далолат беради.

Хўжаобод тумани “Шаҳрихонсой” маҳалла фуқаролар йиғини диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий

тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожибархон Юлдашева Сенатор этиб сайланганлиги маҳаллага, маслаҳатчиларга берилган эътиборнинг юксак намунасидир.

Ишончимиз комилки, бўлиб ўтадиган Президент сайловларида ҳам хотин-қизларимиз ўзларининг сиёсий фаоллигини яна бир бор исботлайдилар.

Азиз тантана иштирокчилари!

Инсоннинг дунёга келиб топган энг азиз нарсаси оиладир, оила жамиятнинг пойдевори, аёл эса оиланинг юраги ҳисобланади. Авлод тарбияси билан боғлиқ бўлган масъулиятли вазифани ҳам маъсума онахон ва опахонларимиз бажаради.

Соғлом бола - аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир, деган ҳаётий ҳикматдан келиб чиққан ҳолда, соғлом ва мустаҳкам оилаларни барпо этиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган “Соғлом бола йили”да Давлат дастури топшириқларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида 397 млрд. 514 млн. сўм, 3 млн. 853 минг АҚШ доллари ва 450 минг евро маблағ сарфланди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадларида 90 млрд. сўмдан ортиқ, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун 11 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Айниқса, 50 га яқин фаол ва иқтидорли ёшларимиз “Камолот” уйларига эга бўлганлиги бизларни қувонтиради.

Вилоятимизда аёллар ва болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2014 йилда қизларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида 33 минг дона спорт кийимлари тўплами бепул берилгани ҳам қизларимизга, оилага кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир. Ўтган йилда Барчиной авлодлари бўлган шижоатли хотин-қизларимизнинг 6 нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, 13 нафари спорт устаси, 125 нафари 1-даража, 184 нафари спорт усталигига номзод меъёрларини бажардилар. 2551 нафар спортчи хотин-қизларимиз республика ва халқаро мусобақаларда

қатнашиб, 478 та бронза, кумуш ва олтин медаллар соҳибалари бўлдилар.

Қадрдонларим!

Юртбошимизни “Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енгилини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган бу мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш - дунёдаги энг улуғ савобдир”, деганлари ҳамда 2015 йилни “Кексаларни эъзозлаш” йили деб эълон қилганлари, кексаларга бўлган катта ҳурмат ва эҳтиром тасдиғидир.

Донишмандлар “Қайси юрт обод, халқ фаровон, фуқаролари орасида ёши улуғлар кўп бўлса, бу ўша юртдаги инсонпарварлик, меҳр-оқибат устуворлиги белгисидир”, деганлар.

Бундан йигирма йиллар муқаддам юртимизда 100 ёшдан ошган инсонлар бармоқ билан санарли даражада бўлган бўлса, хозирда икки-уч асрга гувоҳлик берувчи мўътабар онахонлар сони 100 нафардан ошди. Уларнинг вакиллари ҳар йили Давлатимиз раҳбари томонидан юксак мукофотлар билан тақдирланиб келинмоқда.

Вилоятимизнинг нуроний онахонлари бугунда фарзандлари, набира, абиралари кучоғида, эл - юрт ҳурматига сазовор бўлиб кексалик гаштини сурмоқдалар. Минглаб фаҳрийларимиз ҳозирда ҳам ўз тажрибалари, билими билан бизларга кўмакдош.

Юртимизнинг шундай онахонлари борки, уларнинг номи бутун бир тарих саҳифаларини безашга, келажак авлодга ибрат қилиб кўрсатишга арзийди, олиб борган ишлари эса юрти учун фахр-ифтихор намунаси бўла олади.

Мустақиллигимизнинг энг мураккаб илк даврларида меҳнат қилиб, озода ва обод Ватан тамал тошларини қўйишда ўз меҳнатини аямаган кўплаб онахонларимизни ҳар қанча ардоқласак арзийди. Шулардан бири узоқ йиллик ва самарали меҳнати билан эл ҳурматига сазовор бўлган, том маънода ўзини аямасдан ишлаган Манзурахон Эгамованинг номини ҳурмат билан тилга олмоқчиман.

Халқимизда “Отаси яхши-биттаси яхши, онаси-яхши ҳаммаси яхши” деган гап бор. Жами фазлу-яхшилик аёлдан бошланади. Бугунги шодиёнанинг минбаридан туриб ўз оиласини, фарзандлари тарбиясини гул-гул яшнатиб қўйиш баробарида вилоятимиз ишлаб чиқариши ва ижтимоий ҳаёти, боринги, халқ хўжалигининг барча соҳаларида, фан, таълим ривожини йўлида фидокорона меҳнат қилган ва қилаётган минглаб опа-сингилларимизга ҳар қанча таъзим қилсак оз. Оналик шаънини, ўзбек аёли ор-номусини, қадр-қимматини баланд кўтарган бу инсонлар биз учун азиз ва муқаррамдир.

Сочлари оппоқ, юзларидан нур ёғилиб турган, қўллари меҳнатдан қаварган, юзларини беҳисоб ажинлар қоплаган мунис онажонлар!

Сизнинг табарруқ сиймонгиз, ҳар бир сўзингиз бизга ҳамиша ҳамроҳ ва йўл кўрсатувчидир. Сизнинг суҳбатингизни олсак ҳаёт ташвишларидан безовта юрагимиз таскин топади. Сиз фотиҳага қўл очганингизда, бутун вужудимиз қулоққа айланади. Ҳар сафар дуо қилганингизда, юртимиз тинчлигини тилайсиз, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилмаслигини ва бизларга умр тилашни унутмайсиз, беш вақт намозингиз сўнгида ҳам Аллоҳдан шуларни ёлвориб сўрайсиз.

Юртимизнинг кун сайин обод бўлаётгани, бозорларимиздаги тўкинлик, қизларимизнинг ҳаёли, иболи, йигитларимизни жасур ва мард бўлиб улғайишлари ҳам шу дуолар шарофатидан эмасми?

Барчангизнинг номингиздан вилоятимиздаги онахонларни бугунги байрами билан табриклашга ва уларга янада узоқ умр, бардамлик, сизу - бизнинг бахтимизга кўп йиллар соғ-омон юришларини тилашга ижозат бергайсизлар.

Ҳурматли опа-сингиллар!

Бугун аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги жамиятимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Теварак атрофимизда таҳликали вазият ҳукм суриб турган бир пайтда, юртга оналар меҳрини бериш, ғанимларимиз йўлига эса уларнинг қаҳру-ғазабини ғов қилиш, халқаро

терроризмнинг ҳар қандай ҳуружлари, одам савдоси, гиёҳвандликнинг илдиз отишига қарши қақшатқич зарба бериш - Ватан олдидаги бурчимиздир.

Бу борада барча аёлларимизни, биринчи навбатда, Сиз - фаолларимиз, маҳалладаги маслаҳатчилар, зиёлиларни янада ҳушёр, зийрак ва дадил бўлишга чақирамиз.

Азиз тантана иштирокчилари!

Бу йилги баҳор ҳар йилгидан ўзгача кўтаринкилик билан кириб келмоқда. Чунки бу йил вафо ва садоқат куйчиси, Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда. Республика Президентининг бу санани муносиб нишонлаш тўрисидаги қарори улуғ шоирамизга бўлган халқ ҳурматининг тасдиғидир.

Эл ардоғидаги шоиранинг номи, сермазмун хаёт йўли, бетакрор ижоди ҳар биримизга, айниқса, ёшларга ҳамиша ибратдир. Шу боис ҳам Зулфияхонимга ҳар канча ҳурмат келтирсак, камлик килади.

Кунни кеча Президентимиз қарорлари билан булоқбошилиқ қизимиз, Андижон давлат университети қошидаги 2-академик-лицей 2-босқич ўқувчиси Гўзало Абдуллаеванинг Зулфия номидаги давлат мукофотиغا сазовор бўлгани бизларнинг севинчимизга севинч кўшди. Бу иқтидорли қизимизни юксак давлат мукофоти билан муборакбод этамиз ва ҳозиргача 15 нафар иқтидорли ёшларнинг ана шу мукофот соҳибаси бўлганлиги қалбимизни фаҳрга чулғайди. Бундай рағбатлар ҳар бир онани фарзандларини янада баркамол қилиб тарбиялашга ундайди, деб ўйлайман.

Азиз юртдошлар!

Аёлни асраш ҳам сиёсатдир. Аёлини аяган эркак, аввало билимли, тадбиркор ва миллатпарвардир. Ўз оиласига куюмли эркак - ватанпарвардир. Оиласини асраётими, демак, Ватанни ҳам шундай орият билан асрайди. Чунки аёл миллатнинг, Ватаннинг сифат белгисидир.

Сиз азизларни фақат байрам оғушидагина эмас, балки ҳар куни, ҳар дақиқа астойдил табриклар, меҳримизни, ҳурматимизни изҳор этмоғимиз лозим.

Ҳаётимизнинг кўрки ва маъноси бўлган аёлларга айтадиган эзгу тилаклар бугун оламга сиғмайди. Хонадонларимизнинг чироғи, фарзандларимизнинг меҳрибони, юракларимиз қўри, кўзларимиз кучи ва гуруримиз бўлган Сиз аёлларга ҳар қанча таъзим айласак кам! Сизнинг олтин қўлларингиз ҳам бешикни, ҳам дунёни тебратади.

Ҳурматли онахонлар, қадрли опа-сингиллар!

Бугунги байрам ҳаммамизга, ҳар биримизга янги куч, янги ғайрат бағишлайди. Ишончим комилки, Андижонимиз аёллари ўзларининг ватанпарварлик ҳаракатлари, янгидан-янги ташаббуслари билан жаннатмакон юртимиз равнақига янада баракали ҳиссаларини қўшадилар.

Сўзимнинг якунида бугунги тадбиримиз иштирокчиларини ҳамда вилоятимизда истиқомат қилаётган барча меҳрибон опа-сингилларимизни улуғ байрам билан табриклар эканман, Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин.

Яна бир бор айёмингиз муборак, азизлар.

Эътиборингиз учун раҳмат.